

Британиядаги мусулмонлар банк ҳисобларининг ноқонуний ёпилаётганидан ҳавотирда



12:23 / 04.08.2023 1977

Британия Мусулмонлар кенгаши мамлакатдаги молия институтларни банк ҳисобларининг ноқонуний ёпилишини мусулмонларга нисбатан камситиш дея айблади. Бу ҳақда РИА Новости манбаси хабар берди.

Буюк Британия Мусулмонлар кенгаши Бош вазирга, Молия вазирлиги канцлерига, мухолифат партия етакчиларига ва Ғазначилик доимий котибига мактуб йўллаб, мусулмонлар ва мусулмон ташкилотларига тегишли банк ҳисоблари ўзбошимчалик билан ёпилаётгани ҳақида маълум қилган ва ҳавотирда эканлигини билдириб ўтган.

Мусулмон ташкилотида қайд этилишича, ҳисоб рақамларнинг ноқонуний ёпилиши билан боғлиқ вазиятларнинг давом этаётганига салкам бир йилдан ошган. Бироқ британиялик мусулмонлар ҳамон молиявий ташкилотлардан у ёки бу ҳисобни ёпиш сабаблари ҳақида жавоб ололмапти.